

## Замонавий давлатчилигимиз тарихида улкан ўзгариш ясаган воқеа



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 22 декабрь куни мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этди.

Тошкент шахридаги Симпозиумлар саройида бўлиб ўтган анжуманда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари, нодавлат ташкилотлар фаоллари иштирок этди. Йиғилишни видеоконференция алоқа тизими орқали туман, шаҳар ва вилоятлардаги маҳаллий кенгашлар депутатлари, барча бўғиндаги ижро ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, мамлакатимизнинг чет эллардаги элчилари қузатиб борди.

Мурожаатномада 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар яқуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ўз ифодасини топди.

Мурожаатнома концепцияси 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ тузилган. Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда ташқи сиёsat соҳасидаги устувор йўналишлар каби беш қисмда бу соҳаларда амалга оширилган ишлар атрофлича баён қилинди.

Мурожаатнома ҳам ҳажман, ҳам мазмунан жуда кенг. Унинг мазмун-моҳиятида бир тамойил "қизил ип" бўлиб ўтади. У ҳам бўлса, халқ манфаати, халққа хизмат қилиш, халқни эъзозлаш!

Президентимиз ташабbusи билан давлат идоралари халққа хизмат қиласидиган, уларнинг фаолиятига халқ баҳо берадиган тизим яратилди. Мамлакатимиз ҳаётига доир қарорлар халқимиз билан бевосита мулоқот, одамларнинг хоҳиш-истаклари асосида қабул қилинмоқда. Барча даражадаги раҳбарлар халқ олдида хисоб бермоқда.

Мазкур Мурожаатнома давлатимиз раҳбарининг яқунланаётган йил бўйича халқимиз олдидаги ўзига хос ҳисоботи ҳам бўлди. Шунингдек, Мурожаатномада мамлакатимизни келгусида ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди, бир қанча қонунчилик ташабbusлари илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари таклифи билан янги – 2018 йилга мамлакатимизда Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном берилди.

Тадбир очиқ ва самимий руҳда ўтди. Президентимиз халқимизни қийнаётган, тараққиётимизга гов бўлаётган қўпдан-кўп муаммолар ҳақида очиқ-ойдин гапирди. Баландпарвоз иборалар, сохта рақамлар эмас, аччик бўлса-да, ҳақиқий кўрсаткичлар айтилди. Илгари қузитилмаган бундай жасорат ва қатъият одамларнинг ишончи, хурматини қозонди.

Вақтлар ўтади. Президентимизнинг бу Мурожаатномаси замонавий давлатчилигимизда улкан ўзгариш ясаган тарихий нутқ бўлиб қолади.

ЎзА